

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги



Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек республика ҳудудида криминоген вазият барқарорлигини, жамоат хавфсизлигини сақлаш, жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Фармойишига асосан, ички ишлар органлари ҳамда тиббиёт муассасалари ҳисобида турувчи шахслар, ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан, шунингдек оғир ва ўта оғир, айниқса, оила-турмуш доирасида жиноятлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, тезкор-криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш, жиноятлар содир этилишининг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларини бартараф қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида 2020 йил 1 февралдан бошлаб, алоҳида топшириқ бўлгунга қадар республика миқёсида **“Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги”** махсус тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилиши белгиланган.

Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги мажлислар залида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби, мутасаддий идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Масала юзасидан Сух туман ичиуки ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Т. Тўхсанов маъруза қилди.

Қайд этилдики, 2020 йил 1-февралдан бошлаб, туман миқёсида **“Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги”** эълон қилиниши муносабати билан жойларда махсус тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилади.



Тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Давлат солиқ инспекцияси, мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бўлими, касб-ҳунар таълими координатори, Оила илмий амалий тадқиқот маркази, Нуруний жамғармаси, имом хатиблар, Худудгаз туман филиали, электр таъминоти корхонаси, Сувоқава ДУК туман филиали, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тиббиёт бирлашмаси, Деҳқон бозори раҳбарлари ҳамда тумандаги маҳалла оқсоқоллари, отинойилар Ўзбекистон Республикаси **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуни асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ташкил этувчи ва унда иштирок этувчи органлар, корхона ва ташкилотларнинг тадбирларда тўлиқ иштирокларини таъминланиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбирларда профилактика (катта) инспекторлар ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари ва “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириб фаолият олиб боишлари алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, жиноятчиликни олдини олиш, уни жиловлаш куннинг асосий мавзуларидан бирига айланиб қолган. Бу йўналишда барча мутасаддий идоралар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда фаолият олиб боришлари талаб этилади.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-06 15:18:54